

**Илова-варақа: пациент учун маълумот
“Гербион® сироп первоцвета”
Наврўзгул ва тоғжамбил экстрактлари
Балғам кўчирувчи восита**

Ушбу препаратни қўллашни бошлашдан олдин илова-варақанинг барча бўлимларини диққат билан ўқиб чиқинг, чунки унда Сиз учун муҳим маълумот сақланади.

Ушбу препаратни ҳамиша худди илова-варақада ёзилганидек, ёки Сизнинг шифокорингиз ёки фармацевт тавсия этганидек қабул қилинг.

- Ушбу варақани сақлаб қўйинг. Эҳтимол, Сизга уни яна ўқиб чиқишга тўғри келиши мумкин.
- Агар Сизда бирор-бир қўшимча саволлар пайдо бўлса, фармацевтга мурожаат қилинг.
- Ҳар қандай ножўя самаралар пайдо бўлганида, ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан боғланинг. Бу ушбу илова-варақада кўрсатилмаган, бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ножўя самараларга тааллуқлидир. 4- бўлимга қаранг.
- 7 кундан кейин аҳволингизни яхшиланиши кузатилмаса ёки оғирлашса, Сиз шифокорга мурожаат қилишингиз керак.

Ушбу илова-варақада қандай маълумот сақланади

1. “Гербион® сироп первоцвета” препарати ўзи нима, ва у нима учун қўлланади.
2. Сиз “Гербион® сироп первоцвета” препаратини қўллашдан олдин Сиз нималарни билишингиз керак.
3. “Гербион® сироп первоцвета” препаратини қандай қўллаш керак.
4. Бўлиши мумкин бўлган ножўя самаралари.
5. “Гербион® сироп первоцвета” препаратини қандай сақлаш керак.
6. Ўрам ичидагиси ва бошқа маълумотлар

1. “Гербион® сироп первоцвета” препарати ўзи нима ва у нима учун қўлланади

“Гербион® сироп первоцвета” балғам кўчириш учун препарат таркибида наврўзгул илдизи ва оддий тоғжамбил ўти аралашмасининг суюқ (сувли) экстрактини сақлайди.

“Гербион® сироп первоцвета” препарати ўсимликлардан олинадиган дори препарати бўлиб, қуйидаги ҳолатларда балғам кўчишини енгиллаштириш учун тавсия этилган:

- қуюқ бронхиал секретнинг ажралиб чиқишини қийинлашиши билан кечувчи респиратор яллиғланиш касалликларида (бронхит, бронхиолит, фарингит),
- йўтал билан кечувчи шамоллаш касалликлари ва гриппда тавсия этилган.

2. “Гербион® сироп первоцвета” препаратини қўллашдан олдин, Сиз нималарни билишингиз керак

“Гербион® сироп первоцвета” препаратини қўлламанг:

- агар Сизда наврўзгул илдизи экстракти, оддий тоғжамбил ўтлари экстракти, *Primula* қатори ўсимликлари ёки *Lamiaceae* оиласига мансуб бошқа ўсимликларга (ялпиз) ёки

- ушбу препаратнинг исталган бошқа компонентига (6 бўлимда санаб ўтилган) аллергия бўлса;
- агар Сизда гастрит ёки меъда яраси бўлса, препаратни қабул қилманг.

Махсус кўрсатмалар

- агар Сизда нафас олишни қийинлашиши, иситма ёки йирингли (йиринг сақловчи) балғам ажралиши бўлса, Сиз зудлик билан ўз шифокорингизга мурожаат қилишингиз керак;
- агар Сизда қандли диабет бўлса, Сиз сироп таркибида сахароза сақлаши ва шунинг учун Сизга тавсия этилмаганлигини билишингиз керак.

Болалар

Шифокорнинг олдиндан маслаҳатисиз, сироп 4 ёшдан кичик бўлган болаларга тавсия этилмаган.

Бошқа препаратлар ва “Гербион® сироп первоцвета” препарати

Агар Сиз ҳар қандай бошқа препаратларни қабул қилаётган, яқинда қабул қилган ёки эҳтимол қабул қилмоқчи бўлсангиз, ўз шифокорингизга ёки фармацевтга хабар беринг. “Гербион® сироп первоцвета” препарати ва бошқа препаратларни ўзаро таъсири ҳозирги вақтгача қайд этилмаган.

“Гербион® сироп первоцвета” препаратини овқат ва ичимликлар билан қабул қилиш

Овқат билан маълум ўзаро таъсири кузатилмаган.

Сиропни қабул қилиш вақтида чой ва бошқа илиқ ичимликларни истеъмол қилиш тавсия этилади.

Препаратни қабул қилган заҳоти овқат ёки ичимликларни истеъмол қилманг, чунки улар оғиз бўшлиғи ва томоқнинг шиллиқ қаватидан препаратни ювилиб кетишини тезлаштириши мумкин.

Ҳомиладорлик ва эмизиш даврида қўлланиши

Агар Сиз ҳомиладор бўлсангиз, бола эмизаётган бўлсангиз, ҳомиладорман деб тахмин қилсангиз, ёки агар Сиз ҳомиладор бўлишни режалаштирган бўлсангиз, ушбу препаратни қўллашдан олдин ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан маслаҳатлашинг.

Ҳомиладорлик вақтида ва эмизиш даврида сиропни қабул қилиш мумкин эмас, чунки ҳомиладорлик вақтида ва эмизиш даврида препаратни қўллаш хавфсизлиги юзасидан маълумотлар чекланган.

Транспорт воситаларини бошқариш ва механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсири

Транспорт воситаларини бошқариш ва механизмлар билан ишлаш қобилиятига препаратнинг таъсири кузатилмаган.

“Гербион® сироп первоцвета” препарати таркибида сахароза ва метилпарагидроксибензоати (E218) сақлайди

Агар шифокорингиз Сизда айрим қандларни ўзлаштиролмаслик борлиги ҳақида хабар берган бўлса, ушбу дори препаратини қўллашдан олдин ўз шифокорингиз билан маслаҳатлашинг.

Метилпарагидроксибензоати (E218) аллергия реакцияларни (эҳтимол кечиккан) чақириши мумкин.

3. “Гербион® сироп первоцвета” препарати қандай қабул қилинади

Ушбу препаратни ҳамиша худди ўз шифокорингиз тавсия этганидек қабул қилинг. Агар Сиз бирор нарсага ишонч ҳосил қилмасангиз, ўз шифокорингиз ёки фармацевтдан аниқланг.

Катталар учун тавсия этилган дозаси 2 ўлчов қошиғини ташкил этади қабул қилинади.

Болаларда ва ўсмирларда қўлланиши

Катталар ва 16 ёшдан ошган ўсмирларга сиропни тавсия этилган дозаси 2 ўлчов қошиғдан кунига 3-4 маҳал қўллаш керак.

10-16 ёшдаги болаларга сиропни 1-2 ўлчов қошиғдан кунига 3 маҳал қўллаш керак.

4-10 ёшдаги болаларда сиропни 1 ўлчов қошиғдан кунига 3 маҳал қўллаш керак.

Препаратни 4 ёшдан кичик болаларга қўллаш тавсия этилмаган.

Препарат қабул қилинган заҳоти овқат ёки ичимликларни истеъмол қилманг, чунки улар препаратни оғиз бўшлиғи ва томоқнинг шиллиқ қаватларидан ювиб юборилишини тезлаштириши мумкин.

Сироп ичга етарли миқдорда илиқ сув билан бирга қабул қилиниши тавсия этилади.

Агар касалликнинг симптомлари бир ҳафтадан кейин йўқолмаса, ўз шифокорингиз ёки фармацевтга мурожаат қилинг.

Ичишдан олдин чайқатилсин.

Агар Сиз “Гербион® сироп первоцвета” препаратини, керагидан ортиқ дозада қабул қилган бўлсангиз

Тавсия этилган дозалардан оширманг. Препаратни ҳаддан ташқари юқори дозаларда қабул қилиш кўнгил айланиши, қусиш ва диарея каби меъда-ичак бузилишларини чақириши мумкин.

Агар Сиз “Гербион® сироп первоцвета” препаратини қабул қилишни унутган бўлсангиз

Ўтказиб юборилган дозани компенсация қилиш мақсадида икки баробар катта дозани қабул қилманг.

Агар навбатдаги режалаштирилган дозани қабул қилиш вақти яқинлашган бўлмаса, ўтказиб юборилган дозани имкон борича тезроқ қабул қилинг. Бундай ҳолатда ўтказиб юборилган дозани қабул қилманг.

Агар Сизда ушбу препаратни қўллаш юзасидан қандайдир саволлар туғилган бўлса, ўз шифокорингиз ёки фармацевт билан боғланинг.

4. Бўлиши мумкин бўлган ножўя самаралари

Барча дори препаратлари сингари, ушбу препарат ҳам, гарчи ҳаммада ҳам пайдо бўлмаса-да, ножўя самараларни чақириши мумкин.

Препарат тавсия этилган дозаларда қўлланганида ножўя самаралари кузатилмайди.

Номаълум (учраш тезлиги маълум маълумотлар асосида аниқланиши мумкин эмас).

– *Иммун тизими томонидан кузатиладиган бузилишлар*

аллергик реакциялар, ўта юқори сезувчанлик реакциялари (қичишиш, юз, тил ва оғиз бўшлиғи ва томоқнинг шиллиқ қаватини шиши, яъни Квинке шиши билан кечувчи янада оғирроқ ҳолатларда).

– *Меъда-ичак йўллари томонидан бузилишлар*

меъда функцияси билан боғлиқ муаммолар, кўнгил айланиши ва қусиш.

Препаратнинг ножўя самаралари ҳақида хабар бериб, Сиз ушбу дори препаратининг хавфсизлиги юзасидан янада кўпроқ маълум тақдим этишга ёрдам беришингиз мумкин.

5. “Гербион® сироп первоцвета” препарати қандай сақлаш керак

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилик муддати тугаганидан сўнг препаратни қабул қилманг. Яроқлилик муддати тугаш санаси кўрсатилган ойнинг охириг кунига тўғри келади.

Флакон очилгунича

15°С дан 30°С гача ҳароратда сақлансин. Совутгичда сақланмасин.

Флакон очилганидан кейин

25°С дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Совутгичда сақланмасин.

Флакон очилганидан кейин сиропни 3 ой давомида ишлатиш керак.

Дори воситаларини канализацияга ёки маиший чиқиндилар билан ташламанг. Кераксиз препаратни қандай утилизация қилишни фармацевтдан билиб олинг. Бу чоралар атроф муҳитни химоя қилишга ёрдам беради.

6. Ўрам ичидагиси ва бошқа маълумотлар

“Гербион® сироп первоцвета” препарати таркибида нима сақлайди

– *Таъсир этувчи моддалар:* наврўзгул илдизининг суюқ сувли экстракти ва оддий тоғжамбил ўтларининг сувли суюқ экстракти ҳисобланади.

5 мл сиропда (1 ўлчов қошиғи) 3,09 г наврўзгул илдизи (*Primula veris L.* ёки/ва *Primula elatior (L.) Hill, radix*) ва тоғжамбил ўти (*Thymus vulgaris L.* ёки/ва *Thymus zygis L., herba*) аралашмасининг сувли суюқ экстрактини сақлайди, бу 0,22-0,51 г наврўзгул илдизи ва 0,62 г тоғжамбил ўтларига эквивалент.

Экстрагент: сув.

- *Ёрдамчи моддалар:* левоментол, сахароза ва метилпарагидроксибензоати (E218).

“Гербион® сироп первоцвета” препаратининг ташқи кўриниши ва ўрам ичидагиси

Ўзига хос ҳидли ва таъмли, жагарранг рангли сироп. Ўсимликлардан олинган моддалар учун хос бўлган оз чўкма ҳосил бўлиши мумкин.

Сироп 150 мг дан тўқ рангли шиша флаконда, суюқликни тақсимлаш учун пластмасса тикин ва биринчи марта очиш назорати бўлган пластик копқоқча билан ёпилган.

1 флакон пластик ўлчов қошиғи ва илова-варақа билан бирга картон қутида.

Яроқлилик муддати

3 йил.

Дорихолардан бериш тартиби

Рецептсиз берилади.

Ишлаб чиқарувчи

КРКА, д.д., Ново место, Шмарьешка цеста 6, 8501 Ново место, Словения.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили

“КРКА, д.д., Ново место” Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Афросиёб кўч., 14

Тел.: +99871 150 2828, +99871 150 2929, телефакс: +99871 150 1044